

ANDIJON MASHINASOZLIK INSTITUTI
“MASHINASOZLIK” fakulteti
“MASHINASOZLIK TEXNOLOGIYASI ” kafedrası
BITIRUV MALAKAVIY ISHI BO'YICHA
T U S H U N T I R I S H X A T I

Bitiruv malakaviy ishining mavzusi: ИПЛАРНИ ЎРАШ МАШИНАЛАРИ

Bitiruvchi: “TMJ” yo'nalishi,

4- bosqich 1- gurux talabasi

Fakultet dekani

Kafedra mudiri:

Bitiruv malakaviy ishi rahbari:

Maslaxatchilar:

Konstruktorlik qismi

Texnologik qismi

Xayotiy faoliyat xavfsizligi

Iqtisodiy samaradorlik

Taqrizchi:

SH. Axmedov

dos.T.Almataev

dos. P.Radjibaev

dos. O.Mamatqulov

dos.O.Mamatqulov

dos.O.Mamatqulov

ass. B.Xamdamov

dos.A.Sarimsaqov

A.Dadaboev

Andijon-2012

КИРИШ

Барча ишлаб чиқариш жабхаларида хусусан, тўқимачилик саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш, шу билан бир қаторда маҳсулотлар тан нархини камайтириш ҳозирги давр талаби бўлиб қолмоқда. Сабаби бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бу 2008 йилда бошланган жаҳон-молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган ҳолатлардан чиқиш йўллари излашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз асарларида[1,2] қуйидагиларни қайд этганлар: “Қайта ишловчи тармоқларни техника билан тубдан қайта қуроллантириш, уларни замонавий техника ва технология билан таъминлаш, сифатли ва рақобатбардош истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг тўла-тўқис, тугал технология занжирларини барпо этиш ғоят муҳим стратегик вазифадир. Қишлоқ хўжалик ресурсларининг энг муҳим турлари пахта, пилла, каноп, мева-сабзавот ва узумнинг мукамал қайта ишланишини таъминлашга, енгил саноатнинг бу билан боғлиқ тармоқларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади”.

Дарҳақиқат, республикада етиштириладиган пахта толасининг 28-30 фоизини қайта ишлашга эришиш, бунинг учун қудратли енгил саноатни барпо этиб, жаҳон бозорларида пахта толаси билан эмас, балки дунёдаги етакчи мамлакатлар каби тайёр маҳсулотларни сотиш вазифаси белгиланган.

Айтилган вазифаларни амалга ошириш, янги қайта ишлаш қувватларни вужудга келтиради, кўп меҳнат талаб қиладиган пахтани дастлабки ишлаш, ип йигириш, тўқиш ва пардозлаш корхоналарини, тикув, трикотаж ҳамда тўқимачилик саноатини ривожлантиради, тайёр маҳсулотлар хилини кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратади.

Тўқимачилик саноати ҳалқ хўжалигининг муҳим тармоғларидан бири. Саноатнинг асосий вазифаси – у ҳар хил хом ашёдан ип (пряжа), жун ип, ипак ип, луб ип ва газламалар, трикотаж ва ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Тўқимачилик саноати анча мураккаб ва хилма- хил. У бир неча тармоқлар ва корхоналарга бўлинади. Кўпинча фабрикалар бир бирига қўшилган ҳолда қурилиб, комбинат ташкил этилади.

Эрамиздан 2-3 йил олдин одамлар тош, суяк ва лойдан ясалган ғилдиракчалар кийдирилган қўл урчукларидан фойдаланган. Кейин йигирувчи чарх ясадилар. Унинг урчуги шнур орқали ғилдирак ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш омилларидан бири машинасозлик соҳасини ривожлантириш билан боғлиқдир. Чунки ишлаб чиқариш корхоналарини замонавий технологиялар билан таъминлаш асосан замонавий технологик машина ва жихозларни тайёрлаш, ҳамда уларни узлуксиз такомиллаштириб боришни талаб қилади. Машинасозлик корхоналарини ривожланиши эса ўз навбатида машиналарни янги-янги конструкцияларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Машиналарни янги конструкцияларини яратиш эса конструктор ва технологлардан чуқур билим, ташаббус талаб қилади.

Республикамиз илмий текшириш институтлари, олий ўқув юртлари олимлари, тўқимачилик, пахта тозалаш саноатидаги етук кадрларнинг янги конструкцияларини яратиш бўйича кўп изланиш ва тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Масалан тола тараш машинасини ишчи органлари конструкцияси ва уларни бажараётган жараёнларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, технологик жараённи қайта кўриб чиқиш, маҳсулот сифатини ошириш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу дастгоҳни иш унумдорлиги анча юқори бўлиб бир вақтни ўзида бир нечта ишчи хизматчиларни ишлари ҳам енгиллашади.

Адабиётлар таҳлили

ИПЛАРНИ ЎРАШ МАШИНАЛАРИ.

Ипларни ўраш тўқув жараёнидаги тайёргарлик операцияларидан биридир. Бунда асосан тўқув машинаси учун иплар навойга ўралади. Бунда иплар узунлиги узайтирилиб 1500 – 2000 иплар бир бирига паралелл ҳолатда жойланади.

Маълумки, танда иплари газламада узунасига паралел жойлашади, шунинг учун автомат тўқув машинага беришдан олдин уларнинг узунлигини кўпайтириш ва бир-бирига паралел қилиб, умумий танда валикка ўраш керак.

Тўқиш жараёнида иплар ўзаро зич урилишиб, пухта газлама ҳосил қилиши учун танда иплари етарлича таранг бўлиши керак. Будан ташқари, тўқиш пайтида танда иплари тез-тез ўзгариб турадиган қўшимча тарангланиш кучларига дуч келади. Бундай тарангланиш тўқиш жараёнида танда ипларининг кўплаб узилишига сабаб бўлмаслиги учун улар охорланади.

Тўқиш жараёнида танда ва арқоқ иплари чалкашиб кетмаслиги ҳамда зарур тарзда урилиши учун танда иплари ремизалар кўзидан ва бердо пластинкалари орсидан ўтказилади ("проборқа" қилинади).

Танда ипини тайёрлаш иши тўқув фабрикасининг тайёрлов бўлимида бажарилади. Бу операциялар қуйидагалардан иборат.

1) танда ипини қайта ўраш - бунинг учун найчалардаги ипини бобинага ёки фланецли қалтакларга қайта ўраш. Бу иш ўраш машиналарида бажарилади. Бунинг натижасида ипнинг узунлиги ошади;

2) тандалаш; (432-600) бобинадаги танда ипларини бобиналардан танда валикларига паралел қилиб ўралади. Бу опеация тандалаш машиналарда бажарилади;

3) охорлаш; танда ипининг пишиқлигини ошириш учун улар елим моддали суюқлик (охор)дан ўтказилади, сўнгра тўқув навойларига ўралади. Танда ипи охорлаш машиналарида охорланади. Охорлаш натижасида танда

ипак текис, силлиқ ва пишиқ бўлади, натижада тўқиш жараёнида иплар кам узилиб, тўқув машиналарининг иш унуми ошади;

4) танда ипни ремизалар кўзи ва бердо пластинкалари орасидан ўтказиш ("проборқа қилиш"); махсус машиналарда бажарилади.

Арқоқ ипи ўралган найчалар тўқув станогини моқисига тўғри келмаса, ёки ип сифациз ўралган бўлса, ўраш машинаси ёки автоматларда ип найчаларга қайта ўралади.

Тўқув жараёнига тайёрланган танда ва арқоқ иплари тўқувчилик бўлимига берилади ва тўқув машиналарида улардан газламалар тўқилади. Газламалар браклаш бўлимига келтирилиб, бу ерда сортларга ажратилади ва гул босиш (пардозлаш) фабрикасига юборилади; пардозлаш фабрикаларига тўқималар хар-хил операциялардан ўтиб, тайёр газламага айланади.

Хозирги замон қайта ўраш машиналарида ип кокоз патронларга бобина шаклида ўралади. Ип крест шаклида ўралган конуссимон кўзқалмас бобинадан осонгина бўшалиб чиқади. Шу сабабли қайта ўраш мумкин. Такмиллашган ўраш машиналарида ип ўраш барабанларидаги винцимон ўйиқлар ёрдамида бобиналарнинг ўқи бўйлаб ўралади; бобиналар хап шу барабанлардан ҳаракатга келади.

Ип ўралган найча 1 лар ҳаракциз шпилкаларга кийдирилади, найчалардан бўшалиб чиқаётган ип йўналтирувчи чивик 2 орқали тарангловчи асбоб 3 ва контрол тирқиш 4 дан, сўнгра машинани ўзидан тўхтатувчи механизм илгаги 5 дан ўтади, ўраш барабани 6 даги винцимон ўйиқ бўйлаб ўтиб, айланиб турувчи бобина 7 га ўралади. Ип ўраладиган патрон конус урчуққа кийгизилган бўлиб, уни приклон 8 ушлаб туради.

Тарангловчи асбоб иккита металл тарелкача бўлиб, уларнинг орасидан ип ўтади. Устки тарелкачадаги шайбалар сонини ўзгартириб, тарелка билан ип орасидаги ишқаланиш кучини ва бобинага ўралаётган ипнинг таранглигини ўзгартириш мумкин.

Контрол тирқиш иккита пичоқ орасида ҳосил бўлади. Бу тирқишнинг катта-кичиклиги, ишнинг номерига қараб ўрнатилади. Ип тирқишдан ўта

туриб тозаланади ва йўқон жойлари ёки тугунчалари бўлса узилади. Ип узилса ёки найчадаги ип тамом бўлса, бобина автоматик равишда барабанчадан юқорига кўтарилади ва айланишдан тўхтайди.

Конус бобиналарга ўралаётган ипнинг ўртача ўралиш тезлиги ўзгариб туради. Ўртача тезлик қуйидаги формуладан аниқланилади:

$$B = \frac{V_1 + V_2}{2}$$

бунда: V_1 - ҳар бир қатламдаги ўралаётган ипнинг айланма тезлиги, мГ`мин;

V_2 - ип юргизгичнинг ўртача айланма тезлиги, мГ`мин;

$$B = n_r * \sqrt{(\pi * d_\delta * \eta)^2 + t^2}$$

бунда: d - барабанининг диаметри, мГ`м.

n_δ - ўраш барабанининг тезлиги, айл/мин;

t - ўраш барабинидаги ўйиқларнинг ўртача қадами, 52мм;

η - бобиналарнинг ишқаланиши характерлайдиган коэффициент (0,94).

Бундай маркали ўраш машиналарида ипнинг номерига (тексига) қараб ўраш тезлиги 500-800 м/мин гача бўлиши мумкин.

Бобиналардаги ипнинг оқирлиги - 1,5 кг.

Машина айрим секциялардан иборат; ҳар бир секцияда 20 тадан барабанча бор. Стандарт машинада 100 тагача барабанча бўлади.

М - 150 маркали ўраш машинаси асосида М – 150 - 1 маркали янги такомиллаштирилган ўраш машинаси ишлааб чиқарилмокда. Бу машинада ўраш барабанининг диаметри 77мм дан 90 мм гача катталаштирилган, бунинг натижасида ўраш тезлигини 900-1000 м/мин гача кўпайтиришга имкон тугилади. Ипдан ажралаётган момиқ ва чанг хаво ёрдамида тортиб олинади, натижада ип тоза чиқади, гигиеник жихатдан машинада ишлаш қулайлашади.

ММ - 150 - 1 маркали ўраш машинаси ипни бўйлаб ва цилиндрик бобиналарга ўраш учун ишлатилади. Бу машиналарнинг тузилиши юқорида танишиб ўтган ўраш машинасиникига ўхшайди. Бу машинада ўраш барабани ўйиқининг қадами ўзгармас қилиб ясалган. Приклонлар эса цилиндрик шаклли бобиналар ҳосил бўлишини таъминлайди. Бундай машинада ипни қайта ўраш тезлиги 370 - 470 м/мин.

Эски типдаги (крест шаклида ўрайдиган) машиналарда ип бобина ўқи бўйлаб ўйиқли барабанчалар ёрдамида (расмда) ёки ўртасидан ип ўтиб турадиган иккита шаклли дискдан иборат қанотли ип юргизувчилар ёрдамида (расм) ўралар эди.

Ўраш машинасида ўровчи ишчи ишлайди. Унинг асосий вазифаси: ипни тугаган найчаларни олиб, ўрнига тўла найчалар қўйиш, ипларнинг учини улаш, узилган ипларни улаш, тўлган бобиналарни олиб, ўрнига бўш патронларни қўйиш ва машинани тозалаб туришдир.

Танда ипини ўровчи автоматлар.

Ўраш машиналарида баъзи операциялар автоматик равишда ишлайдиган механизмлар ёрдамида автоматлаштирилган. Шундай машиналар ўраш автоматлари дейилади. Танда ипи автоматларида энг оқир операциялар, масалан, учи уланган найчаларни алмаштириш, ипга тўлган бобиналарни алмаштириш ва магазинга найчаларни тўлдириш автоматлаштирилган.

Оддий ўраш машинасида битта найчани алмаштириш учун ўровчи ўрта ҳисобда 10-12сек вақт сарфлайди. Ўраш автоматидан бу иш 4-4,5сек да бажарилади. Натижада ўровчининг иш унуми тахминан 2,5 марта ошади. Лекин ўраш сеҳидаги ишчиларнинг иш унуми бир оз камаяди, чунки ўраш автоматларидан фойдаланишда машинага қараш ва ремонт қилиш, созлаш ишларига кўп меҳнат сарф бўлади.

Машинани заправка қилиш (қалтаклар, бобиналар ёки найчаларни қўйиш), узилган ипни улаш вақтида машинанинг бекор туриши фойдали вақт коеффициентига киради. Агар йигирув машиналарида найчанинг ва ўраш

машинасида бобинанинг оқирлиги ошса ва ипнинг узилиши камайса, фойдали вақт коэффициенти ҳам ошади. Ўровчининг ишини тўғри ташкил қилиш, операцияларни тез бажариш ҳам фойдали вақт коэффициентини ҳамда машинанинг иш унумини оширади. Ўровчининг иш нормаси урчуқлар амалий иш унумининг ишчи ишлаётган машиналардаги ҳамма урчуқлар сонига кўпайтмасига тенг. Битта машинани амалий иш унумини аниқлаш учун битта урчуқнинг иш унумини машинадиги урчуқлар сонига кўпайтииш керак.


Оддий ўраш машинасида фойдали вақт коэффициенти 0,7- 0,85;

головкаси кўзқалмас ўраш автоматида 0,5 - 0,7;

головкаси кўзқалувчи ўраш автоматида эса 0,3-0,4 бўлади.

Тандалаш

Танда ипини тандалашдан асосий мақсад - ма'лум узунлик ва сондаги ипларни бир хил тарангликдаги ўзаро параллел қилиб тузиш. Бунинг учун (300-432, 600) бобина ёки қалтакдаги ип танда валига параллел ўралади. Газлама энига тўғри келадиган ипларнинг сони анча бўлганлиги сабабли, газламанинг энини ташкил қиладиган танда ипи бир неча танда валикларига ўралади.



Тандалашда бўялган ва бўялмаган иплар бўлиши мумкин. Кўпинча, танда валига ўралган танда ипи охорлаш бўлимида тўқув навойига ўралади. Ола чипор газламалар олишда, ба'зан, ип танда валигида бўялади. Мана шу тарзда тандаланган ип бўйлиб, сўнгра охорлаш сеҳига берилади.

Ба'зан, тандалаш пайтида иплар тўқув навойига ўралиб тайёрланади (масалан, табиий ипакдан шойи тўқиш ва мовут тўқиш корхоналарида шундай қилинади). Газлама энига тўғри келадиган танда ипларининг ҳаммасини параллел ҳолда кўшиб тўқув навойларига ўраш охорлаш машинасида бажарилади.

Тандалашнинг бундай системаси партиялаб тандалаш деб аталади. Ип газлама ишлаб чиқариш корхоналарида бу система кенг қўлланилади. Бундан ташқари, пилталаб тандалаш ва секцион тандалаш ҳам бўлади. Газлама энини ташкил қилувчи танда иплари ўралган бир нечта танда валиклари битта партияни ташкил қилади.

Цилиндрик фланецли қалтаклардан тандалашда ма'лум камчиликлар бор, шунинг учун тандалаш тезлиги 60-100 мГ`миндан ошмайди.

Конуссимон бобиналар тарзида ўралган ипларни тандалаш анча қулай, шу сабабли, тандалашни анча тез бажариш мумкин бўлади. Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган янги тандалаш машиналари конуссимон бобиналарга ўралган ипларни тандалаш учун мосланган. Бу машинада бобиналарни алмаштириш учун машинани тўхтатмай, тандалаш жараёнини узлуксиз олиб боришга имкон беради.

Узлуксиз тандалашда бобиналарни алмаштириш учун машина тўхтатилмайди, конус патронларда ип қолмайди, лекин бу усулда тандалашда ипларнинг таранглиги етарли бўлмайди. Танда рамкаси анчгина катта бўлиб, кўшимча жой талаб қилади, узилган ипни улаш учун кўп вақт сарф бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, иш бобинасида ип тамом бўлгандан сўнг запас бобинадаги ип тандалай бошлаганда ипнинг узилиши анча кўпаяр экан.

СП-140 тандалаш станогии

СП-140 тандалаш станогии асосан ип йўналтиргич 3, тормоз қурилмаси 4, йўналтирувчи планкалар, 5, сигнал лампалари учун хизмат қилувчи контакт илгичлар 6, йўналтирувчи прутоклар 7, қотарча 8, ўлчов валиги 9, тандалаш вали 10, контакт пластинкаси 11, прутоклар 12-13 - 14лардан ташкил топган.

СП-140 тандалаш машинаси қуйидагича ишлайди. Иплар 1 бобина 2 дан чувалиб чиқиб, ип йўналтиргич 3 ва тормоз қурилмаси 4 орқали ўтади. Иплар йўналтирувчи планка 5 дан ўтиб, машинанинг сигнал лампаси билан электрик таъризда уланган контакт кручоги 6 орқали ўтади. Шундан сўнг ип шпулядан тандалаш машинасига йўналтирилади. Икки йналтирувчи прутоклар 7 орқали ўтиб, қаторчалар 8 га келади. Ип шундан сўнг ўлчов валиги 9 ёрдамида ип ўраш машинасини ўлчов валиклари 9 ёрдамида тандалаш вали 10 га ўрала бошлайди.

Тандалаш машинаси иккинчи қисми бўлмиш бобиналар рамкаси вертикал ва оризонтал трубалардан ташкил топгандир. Вертикал трубала 1 га конуссимон ип бобиналарини илиш учун бобинатутгичлар 2 ўрнатилган. Вертикал трубалар шу йналиш бўйича айланиши мумкин. Бундан мақсад резерв бобиналар унинг ташқи томонида илиниб тайёрланиб туради. Машинани навбатдаги заправкасини таъминлашини енгиллаштиради.

Рамкада шпулярник тўхтатиш рамкасига ҳам эгадир. Хар бир ип тормоз рамкаси орқали ўтиб орқа таранглаш мосламасига эгадир. Бунда рамка маховик 4, занжир узатгич 5ни тишли шестернялар z_1 ва z_2 лар ёрдамида рамка 6 бемалол ҳаракатга келтирилади.

Шпулярникларга сигнал лампалари ҳам ўрнатилган бўлиб, улар ипларни узилган жойини аниқлашга имкон беради. Хар бир контакт илгичлари 6 контакт пластинкалари 11 билан шарнирлар ёрдамида уланган. Контакт пластинкалари иккита 12,13 прутоклари орасида жойлашгандир. Юқори прутокка ток уланган бўлиб, пруток 14 ни ички қисмига лампочка ўрнатилгандир. Ипнинг таранглик хусусияти туфайли крючок 13 прутокка

қисилиши натижасида тегиб контакт хосил қилиб туради. Агарда ип узилиб қолса контакт қрючоги отилиб, контакт пластинкаси 11 прутук 12 га ёпишиб контакт хосил қилади. Натижада ток занжири узилиб релелар ёрдамида машина автоматик тарзда тўхтайди.

Тандалаш машинаси тормоз қурилмаси ва бошқа механизмларининг тузилиши ҳамда уларнинг ишлаш принципи

Тандалаш машинаси асосий механизми сифатида ипларни навойни эни бўйлаб бир хилда жойлашишини таъминлаб берадиган қисмлардан бири бу рядок қаторчадир. Қаторчани маховиук ёрдамида ҳаракатга келтириш мумкин. Унинг бу хусусияти материални энини ўзгартиришда керак бўлади. Шунингдек ипларни узунлигини назорат қилиш учун ўлчов валиглариға счётчиклар ўрнатилган. Счетчикнинг вазифаси навойда иплар узунлигини бир хилда бўлишини таъминлашдир. Натижада ипларни отходга чиқиб кетишини олдини олади. Сновал валиги остида сиқувчи валик ўрнатилган бўлиб унинг квазифаси ипларни сновал валигига зич ўралишини таъминлашдир.

Тандалаш машинаси тезлиги ҳозирда 500 дан 800 м/мин ни ташкил этади. Тандаланаётган иплардан бирортаси узилса машинани ўз вақтида тўхтатиб қолиш учун кучи тормоз қурилмаси ишлатилади. Тормоз қурилмаси айланаётган тандалаш валини ип узилганда қанчалик тезлик билан тўхтатилиб қолиши билан характерланади. Чунки ип узилганда тандалаш вали кўпроқ айланиб кетса унга хизмат кўрсатаётган ишчи изилган ипни учини топиши қийинлашади.

Ҳозирда тандалаш машиналарида асосан колодкали ва чет эл фирмалари машиналарида эса гидротормозлар ишлатилмоқда. Тандалашни тезликларини бирхиллигини таъминлаш учун доимий ўзгармас ток манбайида ишловчи электродвигателлар қўлланилади. Бунда тезликларни ўгартириш анча силлиқ кечилади. Токни ростлаш учун ярим ўтказгичли ростлагичлар ишлатилади.

Пилталаб тандалаш ва машиналар.

Пилталаб тандалаш усулида иплар бирин-кетин алохида қисимлар пилталар тарзида склет танда барабанига ўралади. Агар танда М та ип бўлиши керак бўлса, барабанга ўралаётган ҳар бир пилтада ип бўлиши зарур

Пилталар барабанга ёнма-ён ўралади, барабанга ҳисобланган ва умумий узунлиги $M \text{ қ } m * n$ бўлган n пилта ўралиб бўлгандан сўнг ҳамма иплар бир вақтнинг ўзида танда валигидан тўқув навойига қайта ўралади.

Сифатли танда ипи олиш учун бу машинага қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Ипларнинг физик-механик хусусиятлари ўзгармаслиги керак.
2. Иплар таранглиги бир хил бўлиши керак.
3. Ўрам бир хилда цилиндрсимон ва бир хил зичликда бўлиши керак.
4. Иплардан биронтаси узилса машина зудлик билан тўхтатилиши керак.

Тандалаш машинаси икки қисмдан иборатдир.

1. Машинанинг ўзаги.
2. Машина орқасида жойлашган бабиналар рамкасидир.

Бабина 2 дан чиқаётган ип 1 лар ип йўналтиргич 3 ва тормоз қурилмаси 4 орқали йўналтирувчи планка 5 га келади. Бу ердан ҳар бир ип контакт илгаги 6 дан ўтади. Бу илгак сигнал сиستمасига уланган бўлади. Иплар узилганда шу илгак ва сигнал ситемаси тандалаш машинасини автоматик равишда тўхтатади. Шундан сўнг ип тандалаш машинаси ўзагига берилади. Ип йўналтирувчи пруток 7 ва қатор 8 ҳамда ўлчов ва эгувчи валик 9 ёрдамида ўралиш бўлади.

Ҳар бир контакт илгаги иккита пруток 12 ва 13 лар орасида жойлашган контакт пластинкаси 11 билан шарнирли боқланган.

Юқори пруток 12 га электр токи уланади. Ўртадаги пруток 14 га лампочка ўрнатилади. Ип таранглиги натижасида илгак пруток 13 га босилиб туради, ип узилганда занжир ҳам узилади.

Рядок - қаторча конструкцияси тандалашда муҳим рол ўйнаб конструкцияси бўйича технологик талабдаги материал энига мос равишда ўзгариши мумкин.

Тандалаш сифати албатта кейинги жараён - тўқишда муҳим рол ўйнаб олинаётган газлама сифатига ҳам та'сир қилади. Шунинг учун фабрикаларда технологик жараённи системали текшириб назорат қилиб турилади. Бу назорат асосан техник томонидан амалга оширилади.

Бунда асосан иплар таранглигига зичлигига, уланаётган жойларнинг сифатига, сигнал системалари ва тормоз қурилмаларини ишлаш пухталигига ва ишончлилигига катта аҳамият берилади.

Тандалаш машиналари маркалари С-140, С-140-1, СП-180, "Текстима". Тандалаб қайта ўраш тезлиги ҳозирги замон машиналарида 500-800 м/мин ни ташкил этади.

Тормоз қурилмалари колодкали ва гидросистемада ишлайдиган бўлиши мумкин. Асосан чет эл машиналарида гидротормоз системаси қўлланилган.

Бундан ташқари машинада ўтаётган ипни узунлигини ўлчаб туриш учун махсус хисоблагичлар ўлчов валиги 9га ўрнатилган. Бу ўлчагичларнинг вазифаси бир партидаги тандалаш валигидаги ипларни ўлчами бир хил бўлишини та'минлашдир. Акс ҳолда иплар сарфи кўпайиб чиқиндига чиқиб кетиши мумкин.

Тандалаш ва ўраш валиги остида зичлаш валиги ўрнатилган. Бундан мақсад қалтакка ипларни иложи борица зичроқ ўрашдир.

Мавзуни асослаш

Хозирги кунда тўқимачилик корхоналари тўқув фабрикаси тайёрлов бўлимларида ишловчи тўқув жараёнига тайёрлаб етказиб бериш учун хизмат қилувчи жиҳозлар таркибига ишловчи тандалаш станоклари ва ишловчи қайта ўраш ҳам асосий ўринни эгаллайди. Уларнинг меъёрий кўрсаткичда ишлаши сифатли тўқималарни олишга имкон беради. Тандалаш станоклари асосан тўқув дастгоҳига танда ишловчи навойлارга ўраб бериш учун хизмат вилади. Бунда асосан ишловчи қайтадан конуссимон бабинадан ўралган ишловчи ишлов берилади. Тандалаш механизми асосий жеханизмларидан бири бу тормоз механизмидир. Тормоз иши қайта навойга ўралайтган танда ишловчи узилишини назорат қилиб туради. Шу билан бир қаторда М-150 ишловчи ўраш машинаси ҳам катта рол ўйнайди. Уларнинг қай даражада ишлаши албатта ўз навбатида тўқув станоклари ишига ҳам таъсир қўсатади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мен томондан М-150 станокнинг ишловчи назорат қилиш қурилмасини қайта қилиб чиқишни лозим деб топдим.

М-150 ишловчи қайта ўраш конструкцияси

ва ишлаш принципи.


Танда ишловчи қайта ўрашдан мақсад: бир нечта найчадаги ишловчи битта бобина ёки қалтакка ўраб, ишловчи узунлигини ошириш; ишловчи ингичка жойларини йўқотиш ва уни тозалаш.

қайта ўраш жараёнида ишловчи бир оз таранглашиб ва чўзилиб ўралиш натижасида уни кейинги машиналарда ишлаш жараёнида кўп узилмайди.

Ишловчи қайта ўраш жараёнининг умумий схемаси қуйидаги расмда берилган.

Агар ишловчи йиғирув машинасидан найча 1 холида келтирилган бўлса, найча шпулярник 2 га ўрнатилади. Найчадан чуваланиб чиқаётган ишловчи чивик 3, тарангловчи асбоб 4, тозаловчи-контролловчи асбоб 5, ишловчи юргизкич 6 лар орқали ўтади ва қалтак 7 ларга бобина шаклида ўралади. Тарангловчи асбоб ишловчи ма'лум тарангликда ўралишини та'минлайди.

Тозаловчи-контролловчи асбоб ипнинг ингичка-йўқонлигини ростлайди ва ипни ифросликлардан тозалайди. Ип юргизгич қалтак ўқи бўйлаб илгарилама-қайтма ҳаракат қилиб, ипнинг қалтакка бир текис ўралишига ёрдам беради.



М-150-2 қайта ўраш машинаси.

Агар ип калава 8 дан қайта ўралиши керак бўлса, калава махсус чарх 9 га ўрнатилади. Ип қайта ўралаётганда калава чарх билан бирга айланади. Калавадан чувалиб чиқаётган ип йўналтирувчи чивик 10 дан эгилиб ўтиб, тозаловчи-контролловчи асбоб, ип юргизгич орқали ўтади ва найча 7 га ўралади. Ип нормал тарангликда бўлиши учун чарх кегайига қайиш ёки арқон ташланган бўлиб, унга юк осилади; ип юк та'сирида таранг тортилиб туради.


Ип ўраш машиналарида қайта ўралади. Бу машина привод, ўраш механизми, тарангловчи асбоб, тозаловчи-контролловчи асбоб, калава тутгич механизмлардан иборат.

Ип назорат қилиш механизми

Ип назорат қилиш механизмининг иши қайта ўрашда ўралайтган танда ипларини узилишини, йўғонлигини назорат қилиб туради ва шу билан бир қаторда ипларни хар хил ифлосликлардан тозалайди. М-150 ип ўраш машинасида ҳам катта рол ўйнайди. Уларнинг қай даражада ишлаши албатта ўз навбатида тўқув станогини ишига ҳам таъсир кўсатади.

Ип назорат қилиш механизми асосан ораликли метал пластинка, П симон шпилька ва унда турадиган алюминийлик юк шайбаларидан ташкил топгандир.

Ўралаётган ипни (1) қалинлиги, калавани зичлиги каби кўрсаткичларни назрат қилиш учун қўшимча ўзгартириш киритилиб назорат механизми такомиллаштирилди. Бунда ип қалинлиги йўғонлашиб қолса ёки таранглик ўзгарса қисувчи (2) роликли рычаг (4), марказ (3) атрафида характланиб пачаткадан чиқаётган ипни узатилишини ўзгартиради. Айтайлик ип қалинлиги ошса рычагнинг ўнг елкаси пастга тушиб втулка (6) ёрдамида алюминийли юк шайбаларини (7) босади. Натижадатарелкалар (8) бири-бирига жирислашиши ортади. Тарелкалар орасидан ўтаётган ип қисилиб ингичкаланиш юзага келади. Тараелкалар, юк шайбалари ва втулка вертикал жойлашган П симон шпилькада харакатланили.



Таранглаш механизми схемаси

Таранглаш механизмини ишлаши ҳаракатдаги жуфт роликларнинг чизиғий тезликлари орқали ростланади.

Чизиғий зичликни меъёрлаштириш асосан механизмга кириб келаётган ипнинг тезлиги v_1 , унинг оғирлиги g_1 ва чиқувчи ип тезлиги v_2 , унинг оғирлиги g_2 тезликларни ўзгартириш йўли билан эришилади. Нормал ишлаётган машинада юқоридаги параметрлар боғлиқлиги қуйидагича бўлади.

$$g_1 v_1 = g_2 v_2$$


У ҳолда тезликлар

$$v_2 = \frac{g_1 v_1}{g_2} = k_1 \frac{g_1}{g_2}$$

$$v_1 = \frac{g_2 v_2}{g_1} = \frac{k_1}{g_1}$$

Юқоридаги тезликларни ўзгартириш йўли билан ип зичлиги ва нотексликлари меъёрлаштирилади.

Чизиғий зичликни автоматик ростлаш схемаси қуйида келтирилган.



ИУ – ўлчаш қурилмаси (измерительная устройства), У1 – кучайтиргич (усилитель), ЗУ – эслаш қурилмаси (запоминающая устройства), П – ўзгартиргич (преобразователь), У2 – кучайтиргич (усилитель), СМ – сервомеханизм, ИМ – ижро механизм (исполнительный), Д – двигатель.

Технологик ва конструкторлик ҳисоблар.

Машинанинг маҳсулдорлиги.

Ўраш машиналарининг иш унуми маълум вақт ичида қайта ўралган ипнинг оқирлиги билан ўлчанади. Амалий ҳисоблаш вақтида назарий ва амалий иш унумига аҳамият берилади. Назарий иш унумини ҳисоблашда урчуқларнинг бекор туриши ҳисобга олинмайди. Битта урчуқнинг иш унуми қуйидаги формуладан аниқланади.

$$P = \frac{60 * V * t}{N * 1000}; \text{ кг/соат.}$$

бунда: V - қайта ўрашнинг ўртача тезлиги, м/мин;

t - ҳисобланган вақт, мин;

N - қайта ўралаётган ипнинг номери (текси).

Амалий иш унуми эса қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P = \frac{60 * n * m * K_{ф.в.}}{N * K * 1000}; \text{ кг/соат.}$$

бунда; $K_{ф.в.}$ - фойдали вақт коэффициенти; $у$ технологик жараён билан боғлиқ бўлган машинанинг ишламай туришини ҳисобга олади.

Вални статик мустаҳкамлиги.

Вални статик мустаҳкамлиги аниқлашда унинг хавфли участкаларини ҳисобга олиш зарур. Хавфли участкаларни I – I, II – II, III – III, IV - IV қирқивлари бўйича аниқланади

Қуйидаги формулаларга асосан


Валга таъсир қилаётган номинал ва уринма зўриқишларни

аниқлаймиз, шунингдек

критериясини

ҳисобга олган ҳолда энг хавфли участкаларини топамиз.

Бу ерда: - хавфли участкадаги эгувчи момент;



W_t ва - хавфли участкадаги эгилиш ва буралишдаги ыаршилиқ моменти;

- қабул қилинган зўриқиш коэффиценти к 1,6-1,8 ли номинал буровчи моментнинг, максимал буровчи моменти.

энг катта зўриқишдаги валнинг ён томонлардаги Номинал ва уринма зўриқишлардаги мустаҳкалик захираси

Статик мустаҳкамликдаги умумий мустаҳкамлик захираси

Ст.3 пўлат учун $\frac{\sigma_T}{\sigma} \approx 0.6$, у ҳолда $n_z = 1.4 - 1.8$. валнинг конструкциядаги жавобгарлигини ҳисобга олган ҳолда деб оламиз.

Валнинг буровчи моменти

$$K_k = 9.55 \cdot 10^5 \frac{N}{n}$$

Бу ерда N - электродвигател қуввати, квт, n - валнинг айланиш частотаси.

Технологик қисм

Деталларга механик ишлов бериш технологик жараёни.

Ишлаб чиқариш шароитида юзалари ва ўлчамлари абсалют аниқ, геометрик жиҳатдан тўғри деталлар ҳосил қилиб бўлмайди. Аниқлик деганда тайёрланган деталь ўлчамлари шакли ва юзаларини ғадир-будурлигини шу деталнинг чизмасида берилган ўлчамни, шакли ва юзаларининг ғадир-будирлигига муофиқ келиши даражаси тушинилади.

Ҳақиқатда эса, механикавий ишлаш усулидан қатий назар, ҳосил қилинган ўлчамлар берилган аминаль ўлчамлардан бирор томонга ҳамма вақт четга чиққан бўлади..

Бирор типдаги деталларнинг ишлов берилган юзаларида бир хил ўлчамлар, ҳосил қилиш деярли мумкин бўлмайди. Шу сабабли деталларнинг ишлов берилган юзалари ўлчамларининг аниқлиги ўлчамнинг икки чекли қиймати билан белгиланади, бу қийматлардан бири энг четки қиймат бўлса, иккинчи энг четки қийматидир, яроқли деталларнинг ўлчамлари анашу чегаралардан чиқиб кетмаслиги керак.

Технологик жараёнларни ишлаб чиқиш техник ва иқтисодий принципларга асосланади. Техник приинципга асосан, муофиқ равишда лойиҳаланаётган технологик жараён берилган буюмнинг тайёрлаш учун қўйилган ехник шартларни ва ишчи чизмадаги барча талабларни бажарилишини тўла таъминлаши керак.

Иқтисодий принципга муофиқ равишда буюм тайёрлаш минимал меҳнат сарфи ва ишлаб чиқаришни энг кам талаблари билан олиб борилиши

керак. Буюм тайёрлашнинг технологик жараёни ишлаб чиқаришнинг техник имкониятларидан энг юқори даражада фойдаланган ҳолда энг кам вақт сарфлаб, энг кичик таннарх билан бажарилиши керак.

Механик ишлов бериш технологик жараёнини лойиҳалашдан мақсад деталь тайёрлаш жараёнини зарурий техник иқтисодий ҳисоб китоблари ва қабул қилинган вариантнинг асосларини тўла тушинтириб беришдир. Технологик хужжатни тузиш натижасида муҳандис техник ходим ва ижрочи ишчилар лойиҳаланган технологик жараённи корхонада амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва йўл-йўриқлар олинади. Технологик ишлаб чиқариш буюмнинг чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини, буюмни тайёрлаш меҳнат ҳажмини ва таннархни аниқлаш имконини беради.

Объектга ва ишлаб чиқариш шароитига кўра техникавий жараёнлар яккалаб ва типавойга бўлинади. Янги қурилаётган заводлар учун технологик жараёнларни лойиҳалаётганда бошланғич маълумотлар бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

1) Деталнинг материални конструктив шаклини ва ўлчамини белгиловчи ишчи чизмалар;

2) Детални тайёрлашдаги техник шартлари, яъни ишлов берилаётган юзаларни аниқлиги ва сифатини ҳамда махсус шартлар (қаттиқлиги ва материал структураси, термик ишлаш, балансировкалаш ва бошқалар)ни характерловчи;

3) Буюмни ишлаб чиқаришда режалаштирилган вақт;

Машиналар, механизмлар, уларни қисмлари ишлаб чиқариш жараёнида бкюм деб ҳисобданади.

Буюм – деб корхонада ишлаб чиқарилиши керак бўлган ишлаб чиқариш предметига ёки ишлаб чиқариш предметларини тўпланишига айтилади.

Техноогик жараён ўз навбатида операция ўрнатиш, ўтиш ва ўзгартиришлардан иборат бўлади.

Кесгични кесиш режими ёки ишлов берилаётган юзани ўзгармаган ҳолатдаги операциянинг қисми ўтим (переход) деб аталади. Ўтим ўз навбатида бирнеча ўтимлардан иборат бўлиши мумкин.

Технологик ўтим - деб тайёрланманинг бир ёки бир нечта сирти устида бир вақтда ишлайдиган кесувчи асбоблар ёрдамида станокнинг ишлаш режимларини ўзгармаган ҳолда бажариладиган технологик операциянинг якунланган қисмига айтилади.

Ишлов беришга қолдирилган қўйимни аниқлаш.

Қўйим – деб тайёрланмага ишлов берилаётган юзада берилган аниқлик ва сифатга эришиш учун олиб ташланадиган материал қатламига айтилади.

Қўйимлар оралик ва умумий қўйимларга бўлинади. Қўйим детал тайёрлаш жараёнида зарур шакл, аниқ ўлчамдаги ва керакли тозаликдаги юзалар ҳосил қилишга имкон беради.

Операциялараро қўйим тайёрланма юзасидан битта операция вақтида кесиб олинadиган материал қатламидир. Оралик қўйимни олдинги ва бажарилаётган технологик ўтимда олинган тайёрланма ўлчамлари фарқига тенгдир.

Умумий қўйим мазкур юзани механик ишлов беришда технологик маршрутдаги барча оралик қўйимлар йиғиндисидир. Умумий қўйим тайёрланма ўлчамлари билан тайёр детал ўлчамлари орасидаги фарққа тенг.

Қўйим ўлчамларини ошириш ишлов беришга кетадиган вақтни, меҳнат сарфини, кесувчи асбоблар электр двигателининг электр энергия сарфини оширади. Буларнинг натижасида деталнинг таннарҳи ортиб кетади. Қўйим миқдорини керакли даражадан камайтириш мақул эмас. Чунки бунда деффе́ктни юзақатламини олиб ташлаш ва ишлов берилаётган юзада талаб қилинган аниқлик ва ғадур-будирликни таъминлайди.

«__Шток__» деталь тайёрлаш технологик жараёни

№ опер	№ пер	Операция номи ва утим мохияти	Жихоз	Мослама	База	Асбоб	
						кесувчи	улчов
1		Токарлик	ТВҚД 1К-62				
	1	Деталнинг А ён томонини l = 80 мм улчамни ушлаб йуниш	1К-62	Зкулачокли патрон	Ишланмаган юза	Утувчи резец	Штанген-циркуль
	2	Ø = 22мм юзани бирламчи йуниш	1К-62	Зкулачокли патрон	Тоза юза	Йунувчи резец	Колибр скоба
	3	Фаска йўниш	1К-62	Зкулачокли патрон	Тоза юза	Резба очиш резец	Резбомер
2		Токарлик	ТВҚД 1К-62				
	1	Ø = 22мм юзани бирламчи йуниш	1К-62	Зкулачокли патрон	Тоза юза	Утувчи резец	Штанген-циркуль
	2	Ø = 45мм юзани бирламчи йуниш					
3		Фрезерлик	ГФД 6Н-80				
	1	Деталнинг қулоғинини l = 12 мм улчамни ушлаб фрезалаш	6Г-80	Тиски тип	Тоза юза	Блок диск фреза	Штанген-циркуль
4		Пармалаш	ПД 2Н-135				

1	$\varnothing = 10 \text{ мм}$ теишик очиш	2Н-135	Кондуктор	Тоза юза	парма	Штанген-циркуль

Куйимлар хисоби

1. Операция Токарлик.

1-Утим, Деталнинг А ён томонини $l = 90 \text{ мм}$ улчамни ушлаб йуниш

1). Минимал куйимни хисоблаш

$$Z_{\min} = R_{i-1} + T_{i-1} + \rho_{i-1} + \varepsilon_i =$$

$$R_{i-1} + T_{i-1} = 500 \text{ мкм}$$

$$\Delta k = \frac{1 \text{ мкм}}{\text{мм}}$$

$$\varepsilon_i = \sqrt{\varepsilon_A^2 + \varepsilon_3^2} \quad - \text{курлма ноаниклиги}$$

$$\varepsilon_A^2 = 0 \quad - \text{базалаш ноаниклиги}$$

$$\varepsilon_3^2 = 200 \text{ мкм} \quad - \text{деталь ноаниклиги}$$

$$Z_{\min} = 500 + 170 + 200 = 870 \text{ мкм}$$

2). Максимал куйимни хисоблаймиз

$$Z_{\max} = Z_{\min} + \delta_{i-1} - \delta_i$$

$$\delta_{i-1} = 500 \text{ мкм} \quad - \text{хомаки деталнинг улчами буйича куйими}$$

$$\delta_i = 250 \text{ мкм} \quad - \text{ишлов берилаётган юза куйими}$$

$$Z_{\max} = 870 + 500 - 250 = 1120 \text{ мкм}$$

Кесиш чуқурлигини $t = 1,2 \text{ мм}$ кабул киламиз

2-утим. $\varnothing = 22 \text{ мм}$ юзани йуниш.

1). Минимал куйимни хисоблаш

$$Z_{\min} = 2 \left[(R_{i-1} + T_{i-1}) + \sqrt{\rho_{i-1}^2 + \varepsilon_i^2} \right] =$$

$$R_{i-1} + T_{i-1} = 400 \text{ мкм}$$

$$\Delta k = \frac{0.7 \text{ мкм}}{\text{мм}}$$

$$\varepsilon_i = \sqrt{\varepsilon_{\text{Д}}^2 + \varepsilon_{\text{З}}^2} \quad - \text{ курилма ноаниклиги}$$

$$\varepsilon_{\text{Д}}^2 = 0 \quad - \text{ базалаш ноаниклиги}$$

$$\varepsilon_{\text{З}}^2 = 200 \text{ мкм} \quad - \text{деталь ноаниклиги}$$

$$2Z_{\min \square} = 2 \left[400 + \sqrt{125^2 + 200^2} \right] = 1420 \text{ мкм}$$

2). Максимал куйимни хисоблаймиз

$$2Z_{imax} = 2Z_{imin} + \delta_{i-1} - \delta_i$$

$$\delta_{i-1} = 500 \text{ мкм} \quad - \text{хомаки деталнинг улчами буйича куйими}$$

$$\delta_i = 250 \text{ мкм} \quad - \text{ишлов берилаётган юза куйими}$$

$$2Z_{imax} = 2 \times 1420 + 500 - 250 = 2970 \text{ мкм}$$

Кесиш чуқурлигини $t = 1.5 \text{ мм}$ қабул қиламиз

3-утим. **Фаска** . йўниш

Кесиш чуқурлигини $t = 0.75 \text{ мм}$ қабул қиламиз.

2. Операция Токарлик.

1-Утим. $\phi = 22 \text{ мм}$ юзани йуниш.

1). Минимал куйимни хисоблаш

$$2Z_{\min \square} = 2 \left[(R)_{i-1} + T_{i-1} \right] + \sqrt{\rho_{i-1}^2 + \varepsilon_i^2} =$$

$$R_{i-1} + T_{i-1} = 400 \text{ мкм}$$

$$\Delta k = \frac{0.7 \text{ мкм}}{\text{мм}}$$

$$\varepsilon_i = \sqrt{\varepsilon_{\text{Д}}^2 + \varepsilon_{\text{З}}^2} \quad - \text{ курилма ноаниклиги}$$

$$\varepsilon_{\text{Д}}^2 = 0 \quad - \text{ базалаш ноаниклиги}$$

$$\varepsilon_{\text{З}}^2 = 200 \text{ мкм} \quad - \text{деталь ноаниклиги}$$

$$2Z_{\min \square} = 2 \left[400 + \sqrt{125^2 + 200^2} \right] = 1420 \text{ мкм}$$

2). Максимал куйимни хисоблаймиз

$$2Z_{imax} = 2Z_{imin} + \delta_{i-1} - \delta_i$$

$\delta_{i-1} = 500 \text{ мкм}$ – хомаки деталнинг улчами буйича куйими

$\delta_i = 250 \text{ мкм}$ – ишлов берилаётган юза куйими

$$2Z_{imax} = 2 \times 1420 + 500 - 250 = 2970 \text{ мкм}$$

Кесиш чуқурлигини $t = 1.5 \text{ мм}$ қабул қиламиз

2-ўтим. $\phi = 45^\circ$ юзани йуниш.

1). Минимал куйимни ҳисоблаш

$$2Z_{min} = 2 \left[(R)_{i-1} + T_{i-1} \right] + \sqrt{\rho_{i-1}^2 + \varepsilon_i^2} =$$

$$R_{i-1} + T_{i-1} = 400 \text{ мкм}$$

$$\Delta k = \frac{0.7 \text{ мкм}}{\text{мм}}$$

$$\varepsilon_i = \sqrt{\varepsilon_1^2 + \varepsilon_3^2} \quad - \text{қурилма ноаниқлиги}$$

$$\varepsilon_1^2 = 0 \quad - \text{базалаш ноаниқлиги}$$

$$\varepsilon_3^2 = 200 \text{ мкм} \quad - \text{деталь ноаниқлиги}$$

$$2Z_{min} = 2 \left[400 + \sqrt{125^2 + 200^2} \right] = 1420 \text{ мкм}$$

2). Максимал куйимни ҳисоблаймиз

$$2Z_{imax} = 2Z_{imin} + \delta_{i-1} - \delta_i$$

$\delta_{i-1} = 500 \text{ мкм}$ – хомаки деталнинг улчами буйича куйими

$\delta_i = 250 \text{ мкм}$ – ишлов берилаётган юза куйими

$$2Z_{imax} = 2 \times 1420 + 500 - 250 = 2970 \text{ мкм}$$

Кесиш чуқурлигини $t = 1.5 \text{ мм}$ қабул қиламиз

Фрезерлик.

1-ўтим Деталнинг қулоғини $l = 12 \text{ мм}$ улчамни ушлаб фрезалаш

1. Минимал куйимни ҳисоблаймиз.

$$Z_{min} = R_{i-1} + h_{i-1} + \rho_{i-1} + \varepsilon_i$$

Бу ерда R_{i-1} -ишлов берилаётган утим буйича юза профили нотекислиги (мкм)

h_{i-1} - нуксон катлам чуқурлиги

$$R_{i-1} + h_{i-1} = 400 \text{ мкм} \quad [1, 182\text{-бет, 6-ж}]$$

ρ_{i-1} - юзалар жойлашиши буйича йигма четланишлар (паралеллик буйича четланиш, перпендикуляр буйича четланиш, симметриклик буйича, ук буйича ва х.к.)

L – деталнинг энг катта габарит улчами $L = 100 \text{ мм}$

Δk - нисбий кискариш $\Delta k = 1 \text{ мкм/мм}$

$$\rho_{i-1} = 1 \times 100 = 100 \text{ мкм}$$

ε_i - курилма жойлашиш ноаниклиги

$$\varepsilon_i = \sqrt{\varepsilon_{\beta}^2 + \varepsilon_{\delta}^2}$$

$$\varepsilon_{\beta} = 60 \text{ мкм} \quad [1. 43 \text{ бет, 3, 14 - ж}]$$

$$\varepsilon_{\sigma} = 0$$

$$Z_i(i \text{ min}) = 400 + 100 + 60 = 560 \text{ мкм}$$

2.Максимал куйим хисоби

$$Z_{i \max} = Z_{i \min} + \frac{\delta_{i-1} + \delta_i}{2}$$

Бу ерда δ_{i-1} – утимдаги улчамларни узгариш жойизи

$$\delta_{i-1} = 800 \text{ мкм} \quad [1. 120 \text{ бет 3-ж}]$$

δ_i - бажарилаётган улчам жойизи

$$\delta_i = 100 \quad [1. 185\text{-бет, 10-ж}]$$

$$Z_{i \max} = 560 + \frac{800 + 100}{2} = 1010 \text{ мкм}$$

кесиш чуқурлигини $t = 1,0 \text{ мм}$ кабул киламиз.

1. Операция. Пармалаш.

Кесиш чуқурлиги

$$t = \frac{D - d}{2} =$$

Кесиш режими хисоби

1. Операция Токарлик.

1- Утим. Деталнинг А ён томонини $l = 80$ мм улчамни ушлаб

йуниш

Жихоз. 1К-62 токарлик винтकिриш дастгохи

Мослама. 3 кулачокли патрон

База. Ишланмаган юза.

Асбоб. штангенциркуль

1. Кесиш чуқурлиги $t = 1$ мм

2. Суриш $S = 0,8$ мм

3. Кесиш тезлиги

$$v_x = \frac{C_v}{T^m t^x S_y K_v} =$$

$$C_v = 243$$

$$x = 0.15 \quad [2/445\text{-бет}, 39\text{-жадвал}]$$

$$y = 0.4$$

$$m = 0.2$$

$$T = 60 \text{ мин}$$

$$K_v = K_{mv} + K_{nv} + K_{wv} =$$

$$K_{mv} = 1 \quad 424 \text{ бет}, 9\text{-жадвал}$$

$$K_{nv} = 0,8 \quad 426 \text{ бет}, 14\text{-жадвал}$$

$$K_{wv} = 1 \quad 426 \text{ бет}, 15\text{-жадвал}$$

4. Шпинделнинг айланиш частотасини топамиз,

$$n = \frac{1000 \times v}{\pi D} = \frac{1000 \times 117}{3.14 \times 35} = 1064 \frac{\text{айл}}{\text{мин}}$$

5. Станок типини танлаб параметрларини коррективка киламиз.

___1К62___ токарлик револьвер станогини танлаймиз.

Шпинделнинг айланиш сони $12,5-2000$ айл/мин

Шпинделнинг тезликлар сони 23 та

Электродвигатель куввати 10 кВт

Габарит улчамлари $2525 \times 1166 \times 1324$ мм

Огирлиги 2080 кг

Нархи 2000 сум

шпинделнинг айланишлар сонини топамиз. Бунинг учун утказишлар сонини топамиз.

$$i = \sqrt[n-1]{\frac{n_{max}}{n_{min}}} = \sqrt[23-1]{\frac{2000}{12.5}} = 1.26$$

$$n_1 = 12.5$$

$$n_2 = n_1 \times i = 12.5 \times 1.26 = 15.75$$

$$n_3 = n_2 \times i = 15.75 \times 1.26 = 19.8$$

$$n_4 = n_3 \times i = 19.8 \times 1.26 = 25$$

$$n_5 = n_4 \times i = 25 \times 1.26 = 31.$$

.....

$$n_n = n_{n-1} \times i =$$

Олинган маълумотларни қуйидаги жадвалга киритамиз.

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
n	15.7	19.8	25	31	39	49	61	78	100	126	158	200	253	317
	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28
n	400	504	635	800	1008	1270	1600	2016						

$$n_x = 1008$$

6. Хакикий кесиш тезлигини топамиз.

$$v_x = \frac{\pi D \times n_x}{1000} = \frac{3.14 \times 55 \times 1008}{1000} = 174$$

7. Кесиш кучини топамиз.

$$P_z = C_p \times t^x \times S^y \times \vartheta^n \times K_p =$$

$$C_p = 92 \quad 429\text{-бет, 20-жадвал}$$

$$x = 1$$

$$y = 0.75$$

$$n = 0$$

$$K_p = k_{\mu p} \times k_{\varphi p} \times k_{\gamma p} \times k_{\lambda p} \times k_{\eta p} =$$

$$k_{\mu p} = 1 \quad 431\text{-бет, 24-жадвал}$$

$$k_{\varphi p} = 1$$

$$k_{\gamma p} = 1$$

$$k_{\lambda p} = 1$$

$$k_{np}=1$$

$$P_z = 92 \times 1^1 \times 0,8^{0,75} \times 174^0 \times 1 = 77.8$$

8. Кесиш куввати.

$$N_x = \frac{P_z \times \vartheta_x}{102 \times 60} = \frac{77.8 \times 174}{102 \times 60} = 2.2 \text{ кВт}$$

9. Тула кувват.

$$N_T = \frac{N_x \times 1.02}{\zeta} = \frac{2.2 \times 1.02}{0.8} = 2.8 \text{ кВт}$$

юзани йуниш

Жихоз. 1К-62 токарлик винтकिриш дастгохи

Мослама. 3 кулачокли патрон (Планшайба)

База. Тоза юза

Асбоб. штангенциркуль

1. Кесиш чукурлиги $t = 0,7$ мм

2. Суриш $S = 0,4$ мм

3. Кесиш тезлиги

$$v_x = \frac{C_v}{T^m t^x S_y} K_v =$$

